

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 28-iyun, shanba № 51 (15793)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Аввало, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, мустақиллигимизни мустақамлаш йўлида жонқурлик ва жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган сиз, азиз журналистлар, радио ва телевидение, нашриёт ва матбаа соҳаси ходимларига ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, сизларни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун эл-юртимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Шу хурсандчилик кунда барча-барчангизни самимий қутлар эканман, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир», деб айтган чуқур маъноли даъвати халқимизнинг фидойи фарзандларига, авваломбор, ҳамиша эл-юрт ташвиши ва манфаати билан ёниб яшайдиган сиз, матбуот аҳлига қаратилган, десам, ўйлайманки, кўпчилик жамоатчилигимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Мухтарам дўстлар! Ҳаммамизга маълум, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари замони, қолаверса, бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган, тобора кучайиб бораётган талабларни ҳисобга олмасак, шиддатли давр билан ҳамқадам бўлиб яшамасак, ўз-ўзидан аёнки, стратегик мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишимиз, тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторига киришимиз гумон бўлиб қолади.

Бу юксак талабни барчамиз, биринчи навбатда доимо жамиятнинг олдинги сафларида бўлиб келаётган сиз, матбуот аҳли яхши тушунасиз, англайсиз, деб биламан. Айти шу талабни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустақамлаш ва янгилаш, техник ва технологик модернизация қилиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида, айтиш мумкинки, катта ишлар амалга оширилди.

Бу юксак талабни барчамиз, биринчи навбатда доимо жамиятнинг олдинги сафларида бўлиб келаётган сиз, матбуот аҳли яхши тушунасиз, англайсиз, деб биламан.

Айти шу талабни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустақамлаш ва янгилаш, техник ва технологик модернизация қилиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида, айтиш мумкинки, катта ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ТЎКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ – ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИҚДОР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26-27 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига сафарининг иккинчи кунини Кува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги далаларига ташриф буюрди.

Фарғоналик дехқонлар бу йил 112 минг 500 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда. Олтиариқ туманидаги «Нурли обод», Бувайда туманидаги «Патиллаҳон», Ёзёвон туманидаги «Тўхта-син - 2000», Учқўприк туманидаги «Марварид гул ифори», Тошлоқ туманидаги «Луқмонов» фермер хўжаликлари бу борада алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Президентимиз Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари халқимиз манфаати йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ва унинг самараларига ёрқин мисол эканини, бун-

дай бунёдкорлик одамларимиз кўнгилни кўтариб, эртанги кунга ишончини мустақамлашни таъкидлади.

Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Фарғона шаҳрининг маркази яратилди. Шаҳар атрофида кичик халқа йўли барпо этилди. Йўл бўйларига ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилди. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун янада кенг қулайлик яратмоқда.

Юртбошимиз фермерлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқотда фермерлик ҳаракатининг самаралари, уни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида тўхталди.

(Давоми 2-саҳифада)



ЎзА фотомуҳбири Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

27-iyun — Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ФИДОЙИЛИК ВА ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий оммавий ахборот воситалари равнақи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларининг янада фидойилик билан меҳнат қилишида, улардаги ижтимоий фаоллик, элу юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини тобора кучайтиришда асосий омил бўлмоқда.

Зеро, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида, жамиятимиздаги ижтимоий барқарорлик муҳитини янада мустақамлашда, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда матбуот ва оммавий ах-

борот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. «Туркистон» саройида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унга сенаторлар, депутатлар, турли ва-

зирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрий журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 3-саҳифада)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қандай муҳим дастур ва тадбирлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум, албатта. Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очик ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини оширишда янги, юксак босқич бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Бу борада айрим мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жамият ҳаётининг кўзгуси бўлган ушбу соҳани ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда катта амалий қадамлар қўйганимиз яққол аён бўлади.

Бугунги кунда юртимизда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаси фаолият қўрсатмоқда. Уларнинг орасида анъанавий ахборот воситалари бўлмиш газета-журналлар, теле ва радиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илғор медиа тармоқлари — рақамли ва мобиль телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио, умуман, интернет журналистикаси миллий ахборот майдонида тобора мустақкам ўрин эгаллаб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон телеканалларининг дастурлари глобал тармоқ орқали реал вақт режимда дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадио-

компанияси таркибида кейинги пайтда ташкил этилган «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари қаторида «Диёр», «Оилавий», «Кинотеатр», «Наво» каби янги телеканаллар халқимизнинг илмий-маърифий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, мазмунли ҳордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётгани эътиборга лойиқ.

Оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Президент қарорига биноан улар учун яратилган имтиёз ва преференциялар мазкур тузилмаларнинг мустақиллигини сўзда эмас, амалда таъминлашга қўлай молиявий шароит тўғдириб, ушбу соҳада меҳнат қиладиган мингглаб ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга бошқа бир қатор тармоқлар ривожига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ахборот майдонида соғлом рақобат муҳитини яратиш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, матбуот минбари орқали барча ижтимоий қатламларнинг фикр ва қарашларини ифода этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун мустақкам замин бўлмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда оммавий ахборот воситаларининг фидоийлари бўлган, турли долзарб масалаларни қалбидан, юрагидан ўтказиб, бу соҳанинг бошқа тармоқлардан кам бўлмаслиги учун доимо интилиб яшайдиган сиз, муҳтарам журналистлар бир ҳақиқатни албатта яхши англайсиз, деб ишонаман: бугунги кунда,

айни шу мураккаб ва қалтис замонда дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун аввало одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинади.

Турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уриниш, ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг узоқни кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, ғаразли мақсадлар йўлида одамларни, миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларни ҳаётдан норози қилиш, турли сохта маълумотларни тарқатиш, ўзгаларни писанд қилмасдан, кучи етадиган давлатларга пўписа ва зўравонлик кўрсатиш, ҳеч ким билан ҳисоблашмай куч ишлатиш ҳолатлари авваламбор оммавий ахборот воситаларининг бугунги ўқувчи, тингловчи ва томошабинларидан оқни қорадан, ҳақиқатни ўйдирма гаплардан ажратиш учун ўзининг мустақил дунёқараши ва фикрига эга бўлишини тақозо этади.

Ҳозирги вақтда ён-атрофимизда ўзини оқламаган ва умрини ўтаб бўлган эски тизим ва мафқураларни қўмсашга бўлган уринишлар тобора тарқалиб ва кучайиб бораётган бир пайтда бундай кучларнинг қармоғига тушиб қолмаслик учун ахборот соҳасида етти ўлчаб бир есиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни иродаси мустақкам, иймони бақувват инсонлар этиб тарбиялашда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти тобора ортиб бормоқда ва бу ўта муҳим вазифани адо этишда биз ав-

вало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Ёшларимизни айнан ана шу руҳда — миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтирадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, эртанги ҳаётимизнинг энг мустақкам пойдеворини қурган бўламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юксак касб маҳоратига эга бўлган етук журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчамиз яхши тушунамиз, бу вазифани амалга ошириш учун мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялар, чет эллардаги ҳамкасблари билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўз олдимизга ривожланган демократик давлатлар даражасига кўтарилишдек юксак мақсадни қўйган эканмиз, бошқа соҳалар қатори ахборот оламида ҳам илгарилаб кетган давлатлардан ўрганиш, айни шу асосда оммавий ахборот воситалари ходимларининг билим ва тажрибаси, касб маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикрни такрорлашни жоиз деб биламан.

Бугунги глобаллашув асрида ҳар қайси инсон, ҳар қайси

касб эгасининг ўз малакаси ва савиясини ошириши учун қандайдир мафқуравий тўсиқ ва чеклашлар қолмаганини барчамиз яхши биламиз. Гап фақат ўқиб-ўрганишдан, излашдан тортинмаслик, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлдан қатъият билан илгарилаб боришга боғлиқ.

Бундай долзарб вазифалар авваламбор олий ўқув юртларида шу соҳа бўйича дарс берадиган, замонавий билим ва технологияларни ёшларга ўргатадиган ўқитувчи ва домлаларга тегишли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан 600 нафардан зиёди хорижий давлатларда малака ошириб, тажриба алмашиб қайтгани албатта эътиборга сазовордир. Айни вақтда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириш ва янада кучайтиришни бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг жаҳон журналистикасининг илғор иш услублари ва ютуқларини, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш, шу билан бирга, сиз, ҳурматли журналистларнинг олдига пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечиш учун давлатимиз томонидан барча чора ва тадбирлар албатта кўрилади.

Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш йўлида барчангизга сизга-саломатлик, куч-ғайрат, янги омадлар тилайман.

Азиз бошингиз доимо омон бўлишини иштайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЁШ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича жаҳон чемпионлари — Исломбек ва Жавоҳир Синдоровларга Президентимиз совғаси топширилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор самарасида мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган баркамол авлод вояга етаётгани таъкидланди.

Бу ёш иқтидорли болаларнинг халқаро майдонларда эришаётган юксак галабалари барчамизни қувонтиради. Яқинда Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритгани ҳамюртларимиз

қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Жавоҳир тўрт ярим ёшидан шахмат билан мунтазам шуғулланади. У шахматчи сифатида халқаро майдондаги дастлабки галабасига 2012 йили Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида эришди. 7 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида блиц турнирда олтин, классик шахмат бўйича кумуш медалга сазовор бўлди. 2013 йили Эронда шахмат бўйича 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Унинг укаси Исломбек эса болаларидан ўзининг алоҳида салоҳиятини кўрсата олди. У 2012 йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган қитъа биринчилигида 5 ёшгача шахматчилар ўртасида кумуш

медални қўлга киритди. «Ақл гимнастикаси» сир-асрорини тобора пухта ва жуда тез ўзлаштираётган И.Синдоровнинг ўйин услуби бугун кўплаб мухлис мутахассислар эътиборида. Чунки у тез ва тўғри қарор қабул қиладиган, партияда ҳар қандай мураккаб вазият юзага келса ҳам фақат ҳужумга зўр беради. Исломбекнинг ҳужумкор ўйин тактикаси 2013 йили Эрондаги Осие чемпионатида бирйўла учта олтин медални қўлга киритишида муҳим аҳамият касб этди.

Жавоҳир ва Исломбек яқинда Грецияда ўтган жаҳон чемпионатида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқаро миқёсдаги галабалари тасодиф эмаслигини яна бир қарра исботлади. Нуфузли мусобақанинг етти ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида иштирок

этанг Исломбек Синдоров рапид бўйича тўққиз турнинг барчасида галаба қозонди, блиц турнирда саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади ва жаҳон чемпионатининг иккита олтин медалига сазовор бўлди. Жавоҳир Синдоров тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ҳар икки йўналишда ҳам мағлубиятсиз дона суриб, тўққиз имкониятдан саккиз очкодан жамғарди ва у ҳам иккита олтин медални қўлга киритди.

Жаҳон чемпионати голиблари Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан тақдирланди. Уларнинг ота-онасига замонавий LCD телевизори берилди. Президентимиз совғаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

— Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга ҳавас қиламиз, — дейди Жавоҳир Синдоров. — Президентимизнинг совғаси бизни янада юксак марралар сари руҳлантиради, катта куч бағишлайди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

— Бир пайтлар халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган ғалланинг асосий қисмини бошқа давлатлардан олиб келар эдик, — деди Президентимиз. — Фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилгани, уларга керакли шароит ва кенг имкониятлар яратиб берилгани туфайли Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди. Дастлабки йилларда фермерларимиз хорижий давлатларга бориб, тажриба орттириб келган бўлса, энди чет элликлар келиб биздан ўрганиб кетмоқда. Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган 200 дан ортиқ хорижлик олимлар, мутахассислар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларни ўрганиш,

хусусан, фермерларимиз билан тажриба алмашиш ниятида эканини билдирди. Булар ҳаммамизни қувонтиради, ғуруримизга ғурур қўшади.

Авазбек Тешабоев раҳбарлик қилаётган «Роҳатой» фермер хўжалиги аъзолари 349 гектардан ортиқ майдонда пахта ва ғалла етиштираётир. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, бу ерда балиқчилик ташкил этилган. 200 тонна ҳажмдаги музлатгич омбор барпо этилиб, мева-сабзавотларни сифатли сақлаш йўлга қўйилган.

Бу йил мамлакатимизда ғалладан мўл ҳосил

етиштирилди. Бу, авваламбор, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги туфайлидир. Тинчлик бўлган жойда мана шундай мўл-кўлчилик, фаровонлик бўлади, одамлар ўз мақсадларини рўёбга чиқаради. Бу неъматларнинг барқарорлигини таъминлаш учун танлаган йўлимизда собитқадам туриб, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачигидек асрашимиз, доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз даркор, деди Президентимиз.

Ислом Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юри-

тар экан, фермерлар қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳал қилувчи кучи бўлиши лозимлигини таъкидлади.

— Фермерлик ҳаракати ҳақида гапирганда, мен илгари айтган бир фикрни яна бир бор такрорлашни ўринли деб ўйлайман. Фермер нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айна пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селекционер, бизнесмен, керак бўлса, дипломат бўлмоғи зарур. Бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган янги-янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада ях-

шилаш, юртимизни бундан-да обод қилишда фаол иштирок этиши керак, — деди Президентимиз.

«Клаас» комбайни бошқарувчиси Дилшод Ҳотамов германияликлар билан ҳамкорликда юртимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу комбайннинг иш унумдорлиги, ҳосилни нобуд қилмаслиги, бошқаришдаги қулайликлари ҳақида гапирди. Ўз ишидан, ҳаётдан мамнунлигини, эртанги кундан кўнгли тўқлигини таъкидлади.

Ҳар бир инсон ўзига оилам мендан розими, дея савол бериб туриши керак. Чунки бахтнинг асосий омили — бу

оила. Оилалар бахтли бўлса, жамият ҳам бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

«Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев, Фурқат туманидаги «Шабода-Н» фермер хўжалиги раҳбари Нурали Фаниев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энаҳон Сиддиқова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ҳар соҳада намоён бўлаётгани, давлатимизнинг халқаро нуфузи, одамларнинг турмуш тарзи тобора юксалиб бораётганини таъкидлади.

Анвар САМАДОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ФИДОЙИЛИК ВА ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани А.Нурматов, «Бухоронома» газетаси бош муҳаррири Ж.Исмоилов ва бошқалар миллий медиа соҳани изчил, босқичма-босқич ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлиги, таъсирчанлигини ошириш масаласига давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Истиклол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини юзага чиқариш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ахборот ва сўз эркинлигига оид қоидаларнинг мустақкамлангани оммавий ахборот воситаларининг чинакам эркин фикр минбарига айланишининг ҳуқуқий кафолатини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир ўнга яқин қонун ҳужжати қабул қилинган оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишга оид ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ҳамда муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларда мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини янада раванқ топтиришнинг сифат жиҳатдан янги босқи-

чини бошлаб берди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш давр талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1400 га яқин газета ва журнал, электрон, интернет медиа тузилмалар самарали фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг 50 фоиздан ортигини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда.

Юртимиз оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлиши, дунёнинг ривожланган мамлакатлари медиа тузилмалари даражасида фаолият олиб бориши учун яратилган шароит ва имкониятлар соҳадаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тобора такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари, телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган материалларнинг реал вақт режимида глобал тармоқ орқали



дунё бўйлаб тарқатилаётгани, аксарият босма нашрларнинг ўз веб-сайтига эга экани миллий журналистикамизнинг жаҳон ахборот маконида тобора мустақкам ўрин эгаллаб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни бу жараёнда фуқароларнинг ахборот соҳасига оид ҳуқуқларини янада кенг таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини тобора кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонун фуқаролик жамияти институтлари вакилларига давлат органлари фаолиятига оид ахборотларни тўсиқсиз олишнинг ишончли кафолатини яратиш имконини беради.

Мустақил, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган медиа тузилмаларни шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустақкамлашда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси каби ташкилотлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ташкилотлар томонидан медиа тузилмаларни қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини янада яхшилаш, журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга оид қўллаб-қувватлаш ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан оммавий спорт тарғиботи бўйича фаоллик кўрсатган

журналистларга совға ва дипломлар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали муҳаррири Моҳиғул Азимова, «Еркин Қарақалпақстан» газетаси муҳбири Адилбай Оразов, «Правда Востока» газетаси муҳбири Виктория Абдураҳимова давлатимиз раҳбарига соҳа ривожини йўлида кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

* * *

Шу кун пойтахтимизнинг Фафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун байрам сайли ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Инсон иродаси гиёҳвандликдан кучли

■ Dolzarb mavzu ■

Дунёда ҳар йили гиёҳвандлик оқибатида икки юз минг нафаргача инсон ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, ер юзида катта ёшдаги аҳолининг беш фоизи ёки икки юз миллион нафардан ортиқ киши ҳаётида бир маротаба бўлса ҳам гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган. Гиёҳвандлик дардига йўлиққан беморларни даволаш учун айни кунда 250 миллиард АҚШ доллари керак. Бу эса жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 0,4 фоизига тенг.

Мазкур рақамлар дунёда бу борадаги вазият нечоғлик таҳликали тус олганини кўрсатади. Боз устига, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси минтақамиз учун ҳамон хатарли муаммолардан бири

Дунё аҳолисининг
5 фоизи гиёҳванд
моддаларни татиб кўрган.

бўлиб қолмоқда. Марказий Осиёни Ҳамдўстлик давлатлари билан боғловчи ҳаво, темир ва автомобиль йўлларининг мавжудлиги мазкур ҳудуддан гиёҳванд моддаларни олиб ўтиш учун «транзит йўлаги» сифатида фойдаланиш имконини беради. Бундай ҳолат юртимизда криминал вазиятнинг кескинлашишига сабаб бўлмоқда. Ўтган йили гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 7680 та жиноят аниқланди. Охириги йигирма йил ичида эса жами 184,4 мингта наркожиноят фош этилган.

Республикамызга гиёҳванд моддалар Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон орқали кириб келяпти. Таъкидлаш керак, ҳозир Афғонистон «захри қотил» экспорти бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу борада хавотирли маълумотларни эълон қилди: 2013 йилда қўшни юртда опий етиштирилувчи майдонлар кўлами 2012 йилга қараганда 36 фоизга ортиб, 209 минг гектарни ташкил этган. Ўз навбатида, опий ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳам мислсиз даражага етди — 5,5 минг тонна.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён наркотаҳдиднинг олдини олиш бўйича аниқ ва тизимли чоралар кўрмоқда. Аввало, мамлакатимизда гиёҳ-

ванд моддаларни назорат қилиш соҳасида давлат сиёсати ҳамда стратегияси ишлаб чиқилди. 1994 йилда бу ишларни амалга ошириш учун масъул идоралараро орган — Давлат комиссияси тузилди. Мазкур тузилманинг ишчи органи сифатида 1996 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази фаолият кўрсатиб келмоқда.

Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси ташкил топганининг йигирма йиллигига бағишлаб пойтахтимизда матбуот анжумани ўтказилди. Унда Давлат комиссияси таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, ҳудудий комиссиялар масъул ходимлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган

Гиёҳвандлик ҳар йили 200 минг нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлмоқда.

халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Адҳам Икромов наркобизнесга қарши курашишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

— Марказий Осиё транс-миллий жиноий элементлар томонидан наркоагрессия нишони қилиб олинган. Минтақада нарковазиятнинг таранглашуви экстремистик ва террористик гуруҳлар фаолиятининг кучайишига сабаб бўляпти. Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш мамлакатимизда миллий хавфсизлик ма-

расаси бўлиб, давлат раҳбариятининг доимий диққат марказида бўлиб қолмоқда. Айни вақтда наркоагрессиянинг салбий оқибатларини бартараф этишигина эмас, балки унинг олдини олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда қабул қилинган Наркотик моддаларни назорат қилиш дастури гиёҳванд моддалар бозоридаги ўзгаришларга ҳозиржавоб бўлмоғи лозим. Шу билан бирга, унинг доирасида гиёҳвандликнинг бирламчи профилактикаси, гиёҳвандликни даволаш ва албатта, гиёҳвандликка қарши қаратилган тарғибот

ни ташкил қилди.

— «Қорадори — 2014» тадбирининг биринчи босқичи давомида вилоятнинг асосан тоғли ҳудудлари — Денов, Сарийоғ, Узун туманларида экиб ке-

1994 — 2013 йилларда республикамызда 66,5 тоннадан ортиқ гиёҳванд модда мусодара қилинган. Шундан 52 тоннаси ёқиб юборилган.

линаётган 3658 донга кўкнори ҳамда 47 туп наша ўсимликлари йўқ қилинди, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш комиссияси



А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

каби ижтимоий йўналишларни кучайтириш тақозо этилади, — деди А.Икромов.

Шу пайтгача Ўзбекистон БМТнинг Наркотик моддалар тўғрисидаги ягона конвенцияси, Психотроп моддалар тўғрисидаги, Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги, Психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш тўғрисидаги конвенциялари га қўшилган. 1999 йилда мамлакатимизда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Республикамыз ҳуқуқ тартибот идоралари таркибида наркотик моддаларга қарши курашиш бўйича махсус бўлимлар ташкил қилинган. Улар томонидан ҳар йили барча ҳудудларда «Қорадори» тадбирлари ўтказилиб, гиёҳванд моддалар етиштирилаётган майдонлар аниқланади. Жумладан, 1994 йилда 450 гектар майдонда таркибида гиёҳванд моддалар бўлган ўсимликлар аниқланиб, йўқ қилинган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 1,04 гектар-

масъул котиби Сайфиддин Алимардонов. — Ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича доимий равишда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ҳар ойда барча туманлардаги интернет кафе ва тунги дам олиш масканларида рейдлар ўтказиш тажрибаси йўлга қўйилган. Охириги йилларда вилоятимизда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи беморлар сони камайди. Наркожиноятлар борасида ҳам мазкур тенденция кузатилмоқда.

Яна бир эътиборли факт: 1994 йилдан 2013 йилгача мамлакатимизда наркотиклар билан боғлиқ жиноятлар сони 10,7

Ўзбекистонда охириги ўн йил ичида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар 3000 тага камайди.

мингтадан 7,7 мингтагача қисқарди. Шунингдек, ўтган йил наркология диспансерлари ҳисобида турган беморлар сони 2011 йилдагига қараганда 2042 нафарга камайди. Худди шу даврда касалланиш кўрсаткичи юз минг нафар аҳолига нисбатан 25,3 дан 4 гача пасайган.

Халқ таълими вазирилиги

берган маълумотга қараганда, ўқувчилар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида мактабларда профилактик таълим олиб борилмоқда. Жумладан, табиатшунослик, жисмоний тарбия, биология, одам ва унинг саломатлиги, маънавият асослари фанлари доирасида гиёҳвандликка доир жами йигирмата дарс соати ажратилган. Ҳар йили 1 июндан 1 июлга қадар таълим муассасаларида гиёҳванд моддаларнинг тарқатилишига қарши кураш ойлари ўтказилади. Ўқувчилар «Ёшлар гиёҳвандликка қарши!» шиори остида асфальтга расм чизиш, иншолар танловларида қатнашишади. Шунингдек, болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида «Гиёҳвандлик — умр заволи», «Гиёҳвандлик — иллат!» шиорлари остидаги тарғибот тадбирлари, ўн иккита спорт туридан мусобақалар ташкил қилинмоқда.

— Жорий йилнинг март ва май ойларида тегишли вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида республика бўйлаб «Ўқувчи» рейдларини ўтказдик, — дейди Халқ таълими вазирининг ўринбосари Абдуғани Холбеков. — Бунда 1,2 минг нафар ўқувчи дарс пайтида назоратсиз юргани, жумладан, 185 нафари интернет клублари, 102 нафари бозорда арава тортиб ёки савдо қилиб вақт ўтказаятгани аниқланди. Уларнинг барчаси мактабга қайтарилди.

Анъанага кўра, 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунидан республикамызда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мусодара қилинган гиёҳванд моддалар ёқиб юборилади. Бу йил 1,27 тонна гиёҳванд модда халқаро, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, журналистлар кўз ўнгида домен печига ташланди. Оловга ғарқ бўлган «захри қотил»нинг 700 килограмми опий, 266,5 килограмми марихуана, 175 килограмми наша, 85,3 килограмми героин, қолгани кўкнори, наша ўсимлиги таблетка ва эритмалар шаклидаги гиёҳванд моддалардан иборат.

Ўтган йили юртимизда жами 2,3 тонна наркотик модданинг ноқонуний савдосига чек қўйилган эди. «Қорадори» тадбирлари чоғида таркибида гиёҳванд моддалар бор ўсимликларни етиштириш бўйича 1223 та жиноят ҳолати аниқланди. 1,54 гектар ҳудудда ёввойи ҳолда ўсган кўкнори экини пайҳон қилинди.

Эслатиб ўтамиз, охириги йигирма йил мобайнида юртимизда жами 52 тонна гиёҳванд моддалар ёқиб юборилган.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

■ Ko'zgu ■

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ

Жорий йилнинг 25-26 июнь кунлари пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан БМТнинг Тараққиёт дастури кўмагида «Ахборот хизматларининг ОАВ ва жамоатчилик билан самарали ҳамкорлик масалалари» мавзуга бағишланган республика семинар-тренинги ўтказилди.

Мазкур семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпо-

вистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва барча вилоят ҳокимиятлари ахборот хизмати ходимлари,

Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вакиллари, Институт мутахассислари, медиа-соҳа экспертлари иштирок этди.

Тадбирнинг асосий мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги ва ошқоралигини таъминлашда ахборот хизматларини янада ривож-

лантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, давлат идораларининг жамиятдаги ижобий имижини шакллантиришда уларнинг ролини ошириш, давлат органлари ахборот хизматлари вакиллари ва амалий кўникмаларини янада мустаҳкамлашга қаратилди.

Иштирокчилар ахборот соҳасини янада такомиллаштиришнинг асо-

сий масалалари бўйича тажриба алмашдилар. Ахборот хизматининг ОАВ ва жамоатчилик билан алоқаларининг самардорлик масалалари бўйича қатор мулоҳазалар ҳамда давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

очиклигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган тизимли мониторинг жараёнлари натижалари, ОАВ ва жамоатчиликни боғловчи муҳим бўғинлардан ҳисобланувчи ахборот хизматларининг ролини ошириш бўйича амалий таклифлар тингланди.

Семинар-тренингнинг интерфаол усулда ташкил этилганлиги иштирокчиларнинг олган билимларини амалиётда мустаҳкамлашга имкон яратди.

Умида ИСМОИЛОВА,
«Turkiston» мухбири

ШУНДАЙ ЮРТНИНГ ФАРЗАНДИ БЎЛИШ УЛКАН БАХТ!

Наманганлик ёшлар қалбида шундай фахр мужассам

Наманган вилоятида бўлиб ўтган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали ҳам минглаб қалбларга байрам қувончини улашди. Карнай-сурнай садолари остида бошланган ёшлар фестивали катта тантананага айланиб кетди. Пойтахтдан келган тарғибот гуруҳи аъзолари — депутатлар, санъаткорлар, олимлар, шоиру ёзувчилар, спортчилар қаторига наманганлик фаол, ташаббускор ёшлар ҳам қўшилиб, олис туман ва қишлоқлардаги тенгдошларини хушнуд этиш учун йўлга отланшди.



Дастлаб «Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси ташкил этилиб, унда вилоят ҳокими Баҳодир Юсупов билан наманганлик ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот жараёнида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олиб, таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ёшлар фестивали Чуст туманидаги ёш тадбиркорларнинг «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам!» кўргазмаси билан давом этди. Чуст миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчехра Саъдуллаева иштирокида бўлиб ўтган учрашувда «оммавий маданият»нинг салбий иллатлари муҳокама этилди. Фестивалнинг ёшлик завқи акс этган лойиҳалари Учкўрғон туманининг чегара ҳудудларида ҳам катта тантаналар билан давом этди.

— Бу йилги фестиваль ўтган йилдагилардан ҳам кўтаринкилик билан ўтмоқда. Айниқса, ёшлар томонидан интиқиб кутилгани, фестиваль нуфузи йил сайин ошиб бораётганидан дарак беради. Севимли ижод аҳли билан

бўлиб ўтган учрашув туман ёшлари қалбида бир умр ёдда қоладиган бўлди, — дейди Ҳаракатнинг Учкўрғон тумани кенгаши раиси Мирзабахром Абдуллажонов.

Санъат оламида ўзининг бетакрор образлари билан эътибор топган Санъат Девоннов, Александр Бекжонов, хонанда Ирода Искандарова ва бошқа эл ардоғидаги инсонлар билан мулоқотлар қизгин кечди. Мингбулоқлик ёшлар ҳам «Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси» лойиҳасида истеъдод ва салоҳиятини кўрсатишди. Спорт, маданият, санъат, адабиёт соҳаларида куртак ёзаётган мингбулоқлик иқтидор эгаларининг маҳорати тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан катта қизиқиш ва эътироф билан кутиб олинди.

Ёшлар фестивалининг ёрқин таассуротлари тўрақўрғонлик ёшлар хотирасига ранг-баранг лойиҳалар ва севимли санъаткорлар, фан-маданият арбоблари иштирокидаги тадбирлар орқали муҳрланди. Тўрақўрғон иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежида ўтказилган «Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси» лойиҳаси давомида кол-

леж ўқувчилари ўртасида заковат беллашувлари ҳам бўлиб ўтди. Шу кунги таътил вақтини оромгоҳ бағрида ўтказётган ўғил-қизлар ҳам фестиваль шодиёналарининг иштирокчисига айланди. Табиат қўйнидаги сўлим оромгоҳда давом этган байрам шуқуҳи болажонларнинг бахтиёр нигоҳларида акс этди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаган, ўзлари ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этишни хоҳлаган ёшлар кўпчиликини ташкил этди. Бу эса, Ўзбекистонда эркин фикрли, билимли, юксак салоҳиятли ёшлар авлоди шаклланиб бораётганини кўрсатади. Мамлакатимизда «Юрт келажиги — ёшлар қўлида», «Ўзбекистон — келажиги буюк давлат» деган широрлар шунчаки қуруқ даъватлар эмас. Бунда келажак эгаларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар ортидаги захматларни ҳам ҳис этмоқ жоиз. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланаётганлар эса илғор фикрлайдиган, ўз муносабатини очиқ-ойдин ошкор этадиган ёшларга айланишмоқда. «Президент асарлари билимдони» лойиҳасида Юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг тарғиботида ана шундай ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Косонсой тумани марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси доирасида «Футбол-шоу» дастури спортсевар мухлисларни хушнуд этди. Марафонда қатнашган икки юз нафардан ортиқ иштирокчи Наманган шаҳрининг «Ҳилол» мажмуасидан бошлаб, «Камолот» ёшлар боғигача бўлган масофа бўйлаб югуришди. Шунингдек, ҳар бир туманда футбол, волейбол, кураш, шахмат, стол тенниси бўйича му-

миз!» каби ёшларни маънавий баркамолликка, дунёқарашини оширишга қаратилган лойиҳаларда турли учрашувлар, жонли мулоқотлар, кўргазмалар ташкил этилди.

Фестиваль Наманган шаҳридаги «Кичкинтой боғи» амфитеатрида гала-концерт билан ўз якунига етди. Унда фестиваль доирасида ўтказилган лойиҳаларда фаол иштирок этган ёшлар «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлари билан тақдирланди. Шунингдек, «Ёшлар билан ишлашда энг фаол туман ҳокими» номинацияси ғолиблигига Наманган тумани ҳокими Жавлон Юлдашев, «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси» номинацияси ғолиблигига Муҳриддин Сатторов, «Энг яхши маънавий тарғиботчиси» номинацияси ғолиблигига Марғуба Ахралова «Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси» номинацияси ғолиблигига Мохира Тожибоева, «Энг намунали тарғиботчи етакчи» номинацияси ғолиблигига Нодирбек Қодиров, «Конституция билимдони» номинацияси ғолиблигига Жаҳонгир Қодиралиев, «Энг ёш тарғиботчи» номинацияси ғолиблигига Каримжон Саматов муносиб деб топилди. Соғлом турмуш тарзи тарафдорларнинг махсус диплом ва совғалари тақдим этилди.

Гулчехра БУВАМИРЗАЕВА,
Наманган вилояти

ФЕСТИВАЛЬ ТААССУРОТЛАРИ

Каримжон Саматов,

«Энг ёш тарғиботчи» номинацияси ғолиби:

— Фестиваль ҳақидаги таассуротларим бир олам. Бундай тадбирлар шунчаки ўтказилаётгани йўқ. Унда биз каби ёшларнинг истеъдод ва иқтидори кашф этилмоқда. Янада улкан мақсадлар сари ундамоқда. Мен шундай юрт фарзанди эканимдан фахрланаман. Келгусида халқимизга муносиб фарзанд бўлиб, Ватан тараққиётига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Ҳожиакбар ПАТТАЕВ,

«Камолот» ЁИХ фаоли:

— Бахтли ёшлигимизнинг энг гўзал онлари мазмунли ўтмоқда. Мен дунёнинг бошқа мамлакатларида яшаётган тенгдошларимга қиёс этадиган бўлсам, биз, ёшлар аллақачон ўз йўлини топиб олган, мустақил ва соғлом фикрли бўлиб камолга етяпмиз. Бунинг учун мана шундай озод ва обод диёрда яшаётганимиздан фахр-ифтихор туйғусини юракдан ҳис қилишимиз шарт. Бирлашсак, катта кучга айланишимизни мана шундай тадбирлар давомида янада чуқурроқ ҳис қилмоқдаман.

Оқилхон Дадабоев,
журналист:

— Бу фестиваль ёшларни ғайрат ва шижоатга ундовчи, танлаган йўли сари дадил қадам ташлашига қанот бағишловчи катта байрамдир. Истиклол ёшларининг саъй-ҳаракатлари замирида Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, обод ва озод диёрни асраб-авайлаш каби эзгу мақсадлар мужассам. Фестиваль ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги энг йирик тадбирлардан бири бўлди.



■ Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor ■

ЁШ ИЖОДКОРЛАР УЧУН БЕБАҲО МАКТАБ

Кўлига қалам тутган ҳавасманд ёш борки, ўзидаги қобилиятни сайқал топтириш учун тажрибали бир устозга эҳтиёж сезади. Бусиз ижодкор бўлиб шаклланиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда адабиёт, ижод аҳлига қаратилаётган юксак эътибор намуналаридан бири ўлароқ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёш ижодкорларнинг анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган семинарлари тенгдошларимизга ана шундай имкониятни тўхфа қилаётир. Уларда иштирок этаётган бўлажак шоир ва ёзувчилар, адабиётшуносу публицист, драматурглар моҳир ижодкорлар сабоғини олиб келишмоқда, тажрибаларини ўрганишмоқда.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ёш ижодкорларнинг минтақавий семинарини кузатиб бунга яна бир бор амин бўлдик.

Тадбирни Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али очиб берар экан, юртимизда ижод аҳлига кенг шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлади. Ёш қалам аҳлига керакли маслаҳат ва йўлланмалар

бериш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида барча имкониятлар ишга солинаётганига урғу берди.

Очилиш маросимидан сўнг ёш қаламкашлар назм, наср, публицистика, таржимонлик ва драматургия бўйича шўьбаларга бўлинди. Уларга ҳар бир йўналиш бўйича маҳоратли устоз ижодкорлар ҳамроҳ бўлди.

— Ёш ижодкорларнинг семинари олдинлари фақат Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон ижод боғида ўтказилар эди, ҳозир эса бундай анжуманлар вилоятларда ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилаёпти, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. — Мана бугун Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан келган ёш қаламкашларнинг ижодларини таҳлил қилиб, уларга имкон даражасида кўмаклашяпмиз. Уларнинг кўпчилиги энди

ёзишни бошлаган, адабиёт остонасидаги ўғил-қизлардир. Бу каби адабий анжуманлар, ўйлайманки, келгусида уларнинг ижодига катта таъсир кўрсатади.

Ёш ижодкорларнинг кўзидаги қувонч кўриб кўнглинг яйрайди. Улар ўзлари танлаган ижод йўлларидаги устозлари — таниқли шоир, ёзувчи, публицист, мутаржим ва драматурглардан зарур маслаҳат олишар, ижод намуналарини биргаликда муҳокама қилишарди.

— Семинар кутганимдан ҳам ажойиб ўтаяпти, — дейди Жиззах давлат педагогика институти қошидаги Сайилжой академик лицейи ўқувчиси, ёш шоира Шаҳодат Муродова. — Бу ерда Маҳмуд Тоир, Ашуралӣ Боймурод, Ботир Эргашев каби таниқли шоирлар билан суҳбатлашдик, улар бизга керакли

йўл-йўриқ кўрсатишди. Ўзим ота-она, Ватан, табиат мавзуларидаги шеърларим билан иштирок этаёпман. Бу ижодий муҳит сабаб, илҳомланиб, мақсадимни янада аниқлаштириб олдим. Тенгдошларимни кўриб, шуни билдимки, бизга барча шарт-шароитлар яратилган. Энди улардан оқилона фойдаланиб, юртимиз довуғини дунёга танитиш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Ижодкор тенгдошларимиз семинари эмасми, адабий баҳс-мунозаралар тушлик вақтида ҳам давом этди. Тушликдан сўнг, мушоира ташкил этилди. Адабиёт байрами сўнггида барча устозлар ва семинар иштирокчиларига эсдалик совғалар топширилди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

■ Ta'lim maskanlarida ■

ҲАЁТИНИ МОЗИЙ БИЛАН БОҒЛАГАН ЁШЛАР

Бу даргоҳнинг ўқув хоналарида тарих, этнография, археология, манбашунослик, музейшунослик каби соҳалар бўйича бир-биридан қизиқарли машғулотлар ўтилади. Талабалар мультимедиа ўқув лабораториясидан фойдаланишлари, гид-таржимонлик курсида таълим олишлари ва ҳатто ҳақиқий археология музейида тадқиқот олиб боришлари мумкин. 86 йилдан буён Самарқанд давлат университетининг тарих факультети ҳаётини мозий билан боғлаган ёшлар учун ўзига хос илмий мактаб бўлиб келмоқда.



Тарих факультети Самарқанд давлат университетидан биринчилардан бўлиб очилган эди. Ҳозир унда 564 нафар бакалавр ва 63 нафар магистр талаба таҳсил олмоқда. Бакалавриятда тарих ва археология таълим йўналишлари, магистратурада археология, Ватан тарихи, тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича), тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари, музейшунослик, консервация ва бадиий бойликларни сақлаш мутахассисликлари мавжуд.

Факультет кафедраларининг филиаллари вилоятдаги бешта академик лицей ва касб-хунар коллежида фаолият кўрсатмоқда. Яна ўн бешта ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасига илмий-услубий ёрдам кўрсатиб келинапти. Хусусан, ўзаро ҳамкорликда академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун 37 номдаги дарслик ва ўқув қўлланма яратил-

ди. Факультет профессор-ўқитувчилари электрон дарсликлар яратиш бўйича ҳам ўзига хос тажрибага эга. Бунинг учун ўқув юрти фундаментал кутубхонасида мультимедиа ўқув лабораторияси ташкил этилган. Талабалар ушбу лабораториядаги медиатека хизматидан фойдаланишлари мумкин. Унда ўқув режадаги барча фанлардан ўқув-услубий мажмуалар жамланган.

Факультетда дарслар нафақат қизиқарли, кўпинча ноодатий тарзда ҳам ташкил этилади. Масалан, ўқув-лаборатория машғулотларини ўтиш учун жуда қулай жой танланган. Бу археология музейидир. Музей 1965 йилдан буён мавжуд. У факультетнинг ичида жойлашган. Музей фондида эрамиздан 90-70 минг йиллар аввалидан то милодий XIII асргача бўлган даврга мансуб ноёб археологик топилмалар сақланади.

Ҳар йили тарих йўнали-

шида таълим олаётган 1-курс талабалари Сурхондарё вилоятида, шунингдек, Самарқанд вилояти ҳудудидида Афросиёб, Сазагон, Тепақўл ва бошқа тарихий манзилгоҳлардаги археологик экспедицияларда қатнашишди. Қазилма ишларида топган тарихий ашёларни археология музейига топширадilar. Музей қошида археология, этнография ва қадимги тарих тўғараги очилган бўлиб, бу ерда талабалар экспонатларга ишлов бериш, илмий манбалар асосида таҳлил этишни ўрганишди.

Мустақиллик йилларида СамДУ тарих факультети жаҳоннинг етакчи илмий марказлари билан мустаҳкам алоқаларни боғлади. Айни вақтда Италия, Франция, Россия, Япония, Хитой, Корея университетлари билан таълим, илмий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик давом этмоқда. Айримлари билан талаба ва илмий изланувчи-тадқиқотчилар

алмашинуви йўлга қўйилган. Жорий йилда Япониянинг Нагоя университети, Хитойнинг Шианси провинциясидаги Шимоли-Фарбий университети, Россиянинг Урал давлат университети билан ҳаркорлик ўрнатилди.

Факультетда 185 нафар иқтидорли талаба ўқийди. Уларга махсус дастур асосида фанлардан чуқурлаштирилган билим берилди. Чет тили, компьютер технологияси бўйича алоҳида дарс соатлари жорий этилган.

Ҳар йили иқтидорли талабалар сафидан давлат степендиатлари, фан олимпиадалари ғолиблари етишиб чиқмоқда. Жумладан, бакалаврият ва магистратура таълим босқичларида Президент стипендиясига сазовор бўлган Шоҳиста Ҳамроқулова, Алишер Навоий номидаги давлат стипендиатлари — Дилафрўз Облоқулова, Дилбар Фафорова, Дилшод Исмоилов, Яҳё Фуломов номидаги давлат

стипендияси соҳиблари Ориф Ҳабибуллаев бугунги кунда факультет факридир.

Туризм соҳасига қизиқувчи талабалар учун факультетда гид-таржимонлик курсининг ташкил этилгани ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Курс тингловчилари шу йил 14 — 17 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросининг ҳозирги замон цивилизациясидаги роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро илмий конференция давомида элликка яқин давлатдан келган меҳмонларга гид сифатида хизмат кўрсатиб, уларни кўҳна шаҳардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳ, музей ва истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар билан таништиришди.

Ўтган йил факультет талабаларидан шакллантирилган «Улуғбек ворислари» жамоаси Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида анъанавий ўтказилувчи «Тафаккур синовлари» республика кўриктанловида 3-ўринни қўлга киритди.

Талабаларнинг наинки таълим олиши, балки яшаши, дам олиши, вақтин мазмунли ўтказиши ва соғлиғини тиклаши учун ҳам бир қатор қулайликлар яратилган. Бунга факультет декани, тарих фанлари доктори, профессор Шокир Фафоров шахсан ўзи эътибор қаратмоқда. Яқинда ҳомийлар кўмагида факультет ўқув биносининг барча ўқув ва кафедра хоналари, талабалар тураржойи капитал таъмирдан чиқарилди. Энди талабалар тураржойида спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланиш мумкин. Даволаш-профилактика муассасаси ҳам ёшлар ихтиёрида.

Талабаларнинг спортга қизиқишларини ошириш, ёш спортчиларни рағбатлантириш мақсадида «Камолот» ЁИХ факультет бошланғич ташкилоти ташаббуси билан мини футбол бўйича «Факультет кубоги» мусобақаси ташкил этилди. Бундан ташқари, шахмат ва шашка бўйича мусобақалар доимий ўтказиб келинмоқда.

Бугун қайси соҳада бўлмасин, ёш кадрларга юқори талаб қўйилмоқда. Улар замонавий билим ва профессионал кўникмаларга эга, дунёқараши кенг мутахассислар бўлишлари керак. Бу эса таълим сифатига бевосита боғлиқ. Самарқанд давлат университети тарих факультети юртимиздаги кадрлар тайёрлаш тизими замон ва жаҳон талабларига қанчалик мос эканини яққол намоён этса, ажаб эмас.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Пойтахтимизда

«Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туман босқичларида голибликни қўлга киритган икки юз нафарга яқин иқтидорли ўғил-қиз ўз маҳоратларини намойиш этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ижодий танлов янги истеъдод эгаларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб рағбат-

лантиришга қаратилган.

Танловнинг дастлабки босқичида ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган тўққиз мингдан ортиқ пойтахтлик ёшлар иштирок этди. Улардан сараланганлари Тошкент шаҳар босқичида қатнашиб, «Архитектура ва дизайн, либослар дизайни», «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар», «Анъанавий ва амалий санъат», «Иқтисодий-ижтимоий ислохотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар» ҳамда «Адабиёт ва журналистика» йўналишларида билим ва қобилиятларини намойиш этди.

Жумладан, танловнинг амалий санъат йўнали-


шида қатнашаётган Самандар Солижоновнинг юртимиз тарихи, бунёдкорлик, табиат манзаралари акс эттирилган туркум ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди.

— Оиламиздаги муҳит туртки бўлиб, тасвирий санъат билан беш йилдан буён шуғулланиб келяпман. Кўпроқ табиат манзаралари, натюрморт, портрет йўналишларида ижод қиламан. Устоз рассомлардан Рўзи Чориев ва Ортиқали Қозоқов ижодига қизиқишим баланд. Устозим Ринад Мансуровдан амалий санъат сирларини ўрганяпман. Келажакда яхши рассом бўлиб, халқаро кўргазмаларда юртимиз жамоли

акс этган туркум ижодий ишларим билан қатнашиш ниятидан, — дейди танловнинг анъанавий ва амалий санъат йўналиши голиби Самандар Солижонов.

Танлов жараёнида бир-бирдан қизиқарли ва долзарб ихтиролар, техник ишланмалар, дизайнлар, бетакрор санъат намуналарини кузатиб борган ҳакамлар ҳайъати аъзолари сўнгги хулосага келиб, голиблар номини эълон қилди. Унга кўра, қирқ саккиз нафар тенгдошимиз ўз йўналишлари бўйича голибликни қўлга киритиб, танловнинг республика финал босқичига йўлланма олди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири



Шам билан ишлайдиган вентилятор

Европада дунё олимлари шамдан қувват олиб ишлайдиган вентиляторни ихтиро қилдилар. Аввалига, битта шамдан қанча қувват олиш мумкинлиги тўғрисида бош қотираётган олимлар, тасодифан термoeлектрик вентилятор лойиҳасини бошлашади.

Маълум бўлишича, лойиҳа муаллифларига бундай ихтиро учун компьютер қурилмалари, темир паррак, алюминий қувурлар, кичик моторча ва эллик евро микродоши пул керак бўлди. Бир дона одатий шамдан 0,4 вольт кучланиш, 0,25 ампер ток кучи олиш мумкин. Кичик вентиляторни ишлатиш учун, одатда, иккита шам керак бўлади. Вентилятор шамдан чиқаётган иссиқлик ҳисобига турли тезликда айланади.

Чипта ўрнига шоколад

Япониянинг шимолий қисмидаги поездларда чипта ўрнига «KitKat» шоколадларидан фойдаланиш мумкинлиги эълон қилинди. 2015 йилнинг ёзига қадар давом этадиган акцияда, фойдаханувчилар ёшидан қатъий назар, унда иштирок этишлари мумкин.

Лойиҳадан кўзланган мақсад, уч йил аввалги цунамидан сўнг, туризмни яна қайта йўлга қўйиш. Nestle va Sanriku компаниялари ҳамкорлигида бошланган лойиҳа сабаб, поезд катларига гилос суратлари туширилди. Шунингдек, шоколадлар чипталардан анча арзон. Эслатиб ўтамиз, шоколаднинг японча номи «Kitto-Katsu» бўлиб, «Сен, албатта, голиб бўласан» маъносини билдиради.

Янада қулай дастур

«Google» компанияси арзон смартфонлар учун мўлжалланган «Android One» дастурини ишлаб чиқаришини маълум қилди.

Компаниянинг вице-президенти Сундар Пичай «Google» конференциясида янгиликни маълум қилар экан, янги дастур бир қанча планшет ва телефон ишлаб чиқарувчи «Nexus» ва «Play» edition қурилмаларига мос келишини алоҳида таъкидлади. Ҳозирча, «Android One»даги илк қурилма – Micromax смартфонни тест режимида 2014 йил кузида сотувга чиқарилади. Унинг нархи ҳатто юз АҚШ долларига ҳам етмаслиги таъкидланди.

Унга яна ишонч билдирилди

Футбол бўйича, Испания терма жамоаси бош мураббийи Висенте Дел Боске жамоадаги фаолиятини давом эттиришини маълум қилди.

Мураббий Францияда бўлиб ўтадиган «Евро — 2016» мусобақасида Испания терма жамоасини майдонга олиб тушади. Эслатиб ўтамиз, Испания терма жамоаси жаҳон чемпионатини гуруҳдан чиқа олмай тарк этди. Натижада, бош мураббий ўз вазифасини тарк этиши тўғрисида турли миш-мишлар пайдо бўлган эди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан (26.03.2008 й., реестр №26) рўйхатга олинган «Сурхон-Авто-Транс» ХКнинг (СТИР 300624156) ташкилий-ҳуқуқий шакли «Сурхон-Авто-Транс» МЧЖга ўзгартирилмоқда. Даволат (+998 93) 790-00-31 тел. рақами орқали қабул қилинади.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР САРАЛАНДИ



Ёшлар бугун янги куч, янги шижоат билан ўз олдига қўйган юксак марралар сари интилмоқда. Улар орасида ўз илми, маърифати билан юртимиз шарафини юксалтирадиган мутахассислар етишиб чиқаётганлигига шубҳа йўқ. Бунини ёшларнинг турли кўрик-танловлардаги иштироки, жамият ҳаётидаги фаоллигидан ҳам билиш мумкин.

«Камолот» ЁИХ томонидан ўтказилаётган «Юрт келажаги» кўрик-танловида иштирок этиш

мақсадида эллик тўрт минг нафардан ортиқ ёш ариза билан мурожаат қилди.

Яқинда танловнинг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Туманлардан сараланган иштирок-

чилар ўз иқтидорини намойиш этишди. Қизгин баҳс-мунозаралар кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортди.

— Назм йўналиши бўйича голиб бўлганимдан жуда хурсандман, — дейди қибрайлик Шаҳризода Абдуботирова. — Ўз иқтидоримни республика босқичида ҳам намойиш этиб, голиблар сафидан жой эгалласам дейман. Устозларим ишончини, албатта, оқлайман.

Танлов якунига кўра, ҳар бир йўналиш бўйича голиб бўлган қирқ саккиз нафар ўғил-қиз махсус сертификат ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

— Иқтисодий ислохотларни такомиллаштиришда тадбиркорликнинг роли катта, — дейди танлов голиби Махсума Муродова. — Келажакда тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўймоқчиман.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» муҳбири

БАТАН

Олис йўлга чиққан карвонинг бўлай,
Суянчиғинг бўлай, қўрғонинг бўлай,
Гулу бўстон аро боғбонинг бўлай,
Сен менинг ишончим, боримсан, Ватан!

Кўзим қароғидек сени асрайман,
То борман мадҳингни жондан қуйлайман,
Ҳатто қучоғингда сени қўмсайман,
Сен менинг ишончим, боримсан, Ватан!

Ҳабиба МАДИЕВА,
Қашқадарё вилояти Қамаш тумани

СИНФДОШИМГА

Қадрдоним, синфдош,
Хайр энди, кўзда ёш,
Янғрар сўнги қўнғироқ,
Кўкда порлайди қуёш.

Дарсда ўтган онларни,
Беғубор давронларни,
Қайтаролмаймиз энди,
Ушал лазиз онларни.

Болалик ортда қолди,
Шўхликлар ёдда қолди,
Утиб кетган у кунлар,
Фақат суратда қолди.

Қадрдоним, синфдош,
Хайр энди, кўзда ёш.
Умр йўлингни доим
Ёритиб турсин қуёш.

Гулчехра МАДАМИНОВА,
Андижон иқтисодиёт коллежи ўқувчиси

Yoshlik ilhomi



ФУТБОЛ ФАҚАТ ОЁҚ БИЛАН ҲАЯЛМАЙДИ

Футбол бўйича 20-жаҳон чемпионати кутилмаган воқеаларга бой ўтаяпти. Турнир олтидан чемпионликка асосий даъвогарлардан деб қаралган Испания терма жамоасининг гуруҳ босқичидаёқ курашдан чиқиб кетгани, аксинча, Коста-Рикадек ўртамеёна жамоанинг Уругвай, Италия, Англия сингарилари манамен деган терма жамоаларни ортида қолдириб, биринчи ўрин билан нимчорак финалга йўл олиши — булар соф спорт натижалари билан боғлиқ ҳолатларга мисоллар. Афсуски, жаҳон чемпионатидек мусобақа нуфузига салбий таъсир этадиган гап-сўзлар ҳам бўлиб турибди.



Машҳур қизикчи репертуаридаги «бир қамчиси бор» хонанда қизнинг она бўлгани ҳақидаги хангома эсингиздами? У алла айтар экан, боласининг кўзи энди илинай деганда «бале-бале, ҳоп!» деб юборади. Бу ҳол ҳар гал такрорланаверади. Нима қилсин бечора, ўрганиб қолган-да, бирор марта тинчгина алла айтиб боласини ухлатолмайди. Бу ҳақда халқимизда, ўрганган кўнгил, ўртанса кўймас, деган мақол ҳам бор. Диего Марadonaдек футбол юдузи «жаҳоннинг энг кучли ҳужумчиси» дея мақтаган Луис Суаресни ёш спортчи ука-сингилларимизга ўрناق қилиб кўрсатмаган

бўлардиқ. Италия терма жамоаси билан ўйинда рақибига нисбатан кўпол ҳаракат қилиши (Жоржио Киеллининг елкасидан тишлаб олди) фаолиятидаги биринчиси эмас. Тўғри, Суарес катта истеъдод соҳиби, қайси жамоада тўп сурмасин, у албатта етакчи бўлади, бунга шубҳа йўқ, лекин, шу билан бирга ғалати футболчи ҳамдир. Яъни у четдан қараган кишига болалигини ҳамон тарк этолмаётгандек туюлади. Ҳарқалай, у ўзи қатнашган бирор мусобақада қилиқ кўрсатмай қолмаган. Бир қарасанг, рақибини ҳақорат қилган (Англия чемпионати), бир қарасанг, рақиб жамоа-

нинг ҳақиқий голини «дарвозабон» бўлиб қўл билан қайтарган (жаҳон чемпионати), яна бир қарасанг, ҳамкасбининг билганини тишлаб олган (Англия чемпионати) ҳолда ўзини кўрсатади.

Спорт — ҳалол курашмоқ дегани. Бу тамойилга амал қилмадигани, марҳамат, унинг эшигини орқасидан ёпишинг мумкин. Афсуски, уругвайлик тўпурар ўзини миллионлаб инсонлар кузатаётганини, энг ачинарлиси, хатти-ҳаракатларини қанча-қанча болалар томоша қилиб турганини ҳис қилмади. Бошқача айтганда, оғир операциядан сўнг тезда ўзини тиклаб олишга, Англия терма жамоасига иккита гол

ЧЕМПИОНАТ «ЭКВАТОР»И

Кеча тонгда жаҳон чемпионатининг барча нимчорак финал иштирокчилари маълум бўлди. «Н» гуруҳининг сўнгги — 3-турида **Белгия терма жамоаси Жанубий Корея футболчиларига қарши майдонга тушиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва очколари сонини 7 тага етказган ҳолда, биринчи ўринни қўлга киритди.**

Ушбу гуруҳда Жазоир ва Россия терма жамоаларида сўнгги тур олтидан кейинги босқичга чиқиш имкониёти сақланиб қолган эди. Улар учинчи турда ўзаро тўқнаш келиб, унда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Футболда шунақасиям бўлиб туради, Жазоир дуранг ўйнади-ю, ютди. Бу жамоа 1/8 финал иштирокчисига айланди.

Қолган гуруҳлардан эса қуйидаги жамоалар плей-офф босқичига чиқди:

«А» гуруҳидан Бразилия ва Мексика, «В» гуруҳидан Нидерландия ва Чили, «С» гуруҳидан Колумбия ва Греция, «D» гуруҳидан Коста-Рика ва Уругвай, «Е» гуруҳидан Франция ва Швейцария, «F» гуруҳидан Аргентина ва Нигерия, «G» гуруҳидан Германия ва АҚШ.

Нимчорак финал жуфтликлари билан та-нишинг:

- Бразилия — Чили
- Нидерландия — Мексика
- Колумбия — Уругвай
- Коста-Рика — Греция
- Франция — Нигерия
- Германия — Жазоир
- Аргентина — Швейцария
- Белгия — АҚШ

Шаҳло ДЎСМУРОВА

уришга, жамоасига ғолиблик руҳини олиб киришга, ажойиб тўп суришга кучи етди, лекин зарур пайтда ўзини идора қилишга куч тополмади.

Жаҳон футболлари мана шундай иқтидор соҳибини энди

тўрт ой майдонда кўрмайди. ФИФА интизом кўмитаси уни мана шунча муддатга спортдан четлаштирди.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Журналистнинг иш курали	Ҳафталик нашр				Майсара		Иброҳимова (актриса)			
Бўсаға, пойгак	Ўзақ, негиз		Бас қил, бўлди	Катта, улкан	Унвон (Англия)		План (Ўзбекча)	Дарак, маълумот	Эртадан кейинги кун	
ТВ, радио, газета, журнал	Дармондор		Китоб қисми	Сўнгги умид, ният			Отанинг ака-укаси	Эҳромлар юрти	Йўл ҳақи	
		Кийим урфи	Қайсар	Набира (шева)	Вазн, овирлик		Лаб, дудоқ			
Мимик ҳаракат			Озгина, пича			Ичимлик номи	Нафас аъзоси	Япония пойтахти		
Асалхўр ҳайвон	Борган сари		Турфа ифори, муаттар	Зеб бериш	Ҳарбий бўлинма	Уэд... (Дарё, Африка)	Шуур, идрок			
Газета нусхаси, тираж			Сабо, насим	Ақд...						
Катта қоғ	Очерк		Адир, яйлов	Самолёт қатновти тартиб рақами	Уэйи... (футболчи)					
			...-бери	Лотин Америкаси рақси						

Тузувчи: Фаҳридин Раҳимов

«TURKISTON» САВОЛ БERAДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 1 июль** кун «Камолот» ЕИХ Сирдарё вилояти кенгаши расиси **Лазизбек Аҳмедов** билан бўлиб ўтади. Сухбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки **(+99871) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

«Аптека» сўзи қайси тилдан олинган?

Жавобингизни **1 июль** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: **Фолксваген** Бухоро вилоятидан **Шоҳинур Умиров**, деҳқонободлик **Нажмиддин Эрматов** тўғри жавоб йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Инсонга инсондан яхшироқ наф йўқ.

Бануз Спиноза



МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда
№ 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



Бош муҳаррир ўринбосари:

Шукуров
Меҳридин Эшқобилович

Тахрир хайъати:

Баҳодир Ғаниев, Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Кароматов
Жавоҳир
Зариф ўғли

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «**Буюк Турон**» кўчаси, 41.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма **Г-657**.
Адади — 11799
Босишга топшириш вақти — 21.00
Тоширилди — 22.40
ЎЗА яқуни — 21.45

Офсет усулида босилган.